Strstr () strchr() – 2ла функция ҳам бир ҳил вазифани бажаради, яъни керакли символни топиб, матннинг қолган қисмини чиқаради. Символ топилган жой матннинг боши ҳисобланади.

```
$url = "http://www.akmx.uz" ;
```

```
echo strstr($url, "w");
```

Жавоб: www.akmx.uz

Stristr() – бу функция ҳам худда strstr() ва strchr() каби ишлайди фақат, харфларнинг катта кичиклиги (регистр) га эътибор бермайди.

Substr_count() – матндан кўрсатилган символ сонини чиқариб беради.

```
$str = "df@gmk@lde@cm";
```

```
echo substr_count($str, "@");
```

Жавоб: 3

Strlen() – символ узунлигини қайтаради.

```
echo strlen("hello");
```

Жавоб: 5

Chr() – ASCII коди бўйича символни қабул қилиб, шунга мос ҳолда символни чиқариб берди.

```
$str = chr(36);
```

Жавоб: \$

Str_repeat() – берилган матнни ёки бирор символни исталганча такроран экранга чиқариш учун ишлатилади.

```
echo str_repeat("Hello",3);
```

Жавоб: HelloHelloHello

Trim() – бўш жойларни(пробелларни) ўчириш.

```
echo trim(" Hello World ");
```

Жавоб: Hello World

Trim() функциясининг 2 хил кўриниши мавжуд:

Ltrim() – чап томондаги бўш жойларни ўчириш.

rtrim() – ўнг томондаги бўш жойларни ўчириш.

`Convert_cyr_string()` – берилган символни кодировкасини ўзгартиради.
Параметрлари: ўзгартириладиган ёзув, қайси кодировкадалиги ва қайси кодировкага ўтказиш кераклиги.

```
$str = "определяющий";  
$str1 = convert_cyr_string($str, "w", "k");  
Echo $str1;  
Жавоб: пртедемсаэйк
```

Кодировкаларнинг шартли белгилари :

k – koi8-r
w - windows-1251
i – iso8859-5
a – x-cp866
m – x-mac-cyrillic.

`Bin2hex()` – берилган ифодани 16 лик санок системасига ўтказди.

```
$str = "определяющий";  
echo bin2hex($str);  
Жавоб: eeeff0e5e4e5ebfffef9e8e9 (16 лик санок системаси)
```

Php веб дастурлаш тилидаги `string` типига тегишли бўлган ўзгарувчиларга таалуқли бўлган функцияларни ўрганишни давом эттираемиз. Бу функциялар дастурдаги кодларни ихчам ва тартибли бўлишига олиб келади. Янги велосипед ясагандан кўра, мавжуд бўлган велосипеддан фойдаланган маъкулроқ(бу албатта менинг фикрим). Шу сабабли дастур тузаётганда албатта қуйидаги функциялардан фойдаланинг.

`Str_replcae()` – ажратилган символни бошқа символ билан алмаштиради.
Параметрлари: топиш керак бўлган символ, ўзгартириладиган символ, символ мавжуд бўлган матн.

```
$str = "akmaldd";  
echo str_replace("d", "k", $str);
```

Жавоб: akmalkk

Strchr() – ўрнатилган символни ёзувдан қидиради, топилган биринчи символдан бошлаб қолган ёзувни чиқаради. Параметрлари: ёзув, қидириладиган символ.

```
$str = "Hello World";  
echo strchr($str, "o");
```

Жавоб: o World

Strrchr() - Strchr() – функциясини билан бир ҳил вазифани бажаради, фақат топилган охириги символдан бошлаб матнни чиқаради.

```
$str = "Hello World";  
echo strrchr($str, "o");
```

Жавоб: orld

Strrev() – ёзувни тескарисига экранга чиқариш учун ишлатилади.

```
echo strrev("WORLD");
```

Жавоб: DLROW

Strtr() – символни символга алмаштиради. Параметрлари: Ёзув, алмаштириладиган символ, алмашадиган символ.

```
echo strtr("World", "o", "a");
```

Жавоб: Warld

Substr_replace() – Матндаги исталган позициядан исталган позицияга символни алмаштиради. Параметрлари: матн, алмашувчи символ, позиция(дан, гача).

```
echo substr_replace("abc abc", "x", 2,3);
```

Жавоб: abxbc(2 чи символдан бошлаб, 3 та символни x га алмаштиради)

Strtolower() – ҳамма символни кичик ҳарфга ўтказди.

```
echo strtolower("OK");
```

Жавоб: ok

Strtoupper() – барча символларни катта ҳарфга ўтказди.

```
echo strtoupper("ok");
```

Жавоб: OK

Ucfirst() – ёзувдаги фақат биринчи ҳарфни катта ҳарфга ўтказди.

```
echo ucwords("akmal");
```

Жавоб: Akmal

Ucwords() – барча сўзларни биринчи ҳарфини каттага ўтказди.

```
echo ucwords("aa, Bb, cC");
```

Жавоб: Aa Bb Cc

Strip_tags() – барча html теглар ўчирилади.

```
echo strip_tags("Akm  
akk");
```

Жавоб: Akmakk

Parse_url() – URL адресни массив ўзгарувчиларига ташлайди.

```
$url = "http://www.akmx.uz/search?hl=ru&ie=UTF-8&oe=UTF&lr=";  
$arr = parse_url($url);  
print_r($arr);
```

Жавоб: Array ([scheme] => http [host] => www.akmx.uz [path] => /search
[query] => hl=ru&ie=UTF-8&oe=UTF&lr=)

Rawurlencode() – url адресни кодировка қилади.

Rawurldecode() - url адресни декодировка қилади.

```
$url = "http://www.akmx.uz/search?hl=ru&ie=UTF-8&oe=UTF&lr=";  
Echo ("Boshlang'ich matn: $url"); echo (" ");  
Echo ("Kodirovkadan so'ng"); echo (" ");  
$url_code = rawurlencode($url);  
Echo ($url_code); echo (" ");  
Echo ("Dekodirovkadan so'ng"); echo (" ");  
$url_decode = rawurldecode($url);  
Echo ($url_decode); echo (" ");
```

Жавоб: Boshlang'ich matn: http://www.akmx.uz/search?hl=ru&ie=UTF-
8&oe=UTF&lr=

Kodirovkadan so'ng

```
http%3A%2F%2Fwww.akmx.uz%2Fsearch%3Fhl%3Dru%26ie%3DUTF-8%26oe%3DUTF%26lr%3D
```

Dekodirovkadan so'ng

```
http://www.akmx.uz/search?hl=ru&ie=UTF-8&oe=UTF&lr=
```

Md5() – md5 алгоритми асосида шифрлаш. Бу шифрлаш турининг тескараси(шифрни очиш) мавжуд эмас. Шифрланган маълумот қайта тикланмайди. Агар тенгликга солиштириш зарур бўлса, солиштирилаётган 2ла ўзгарувчи ҳам шифрланши лозим бўлади.

```
$val = "secret";
```

```
$hash_val = md5($val);
```

```
echo $hash_val;
```

Жавоб: 5ebe2294ecd0e0f08eab7690d2a6ee69

Crypt() – Шифрлашнинг яна бир тури. Бу турида ҳам тескари дешифрация қилиш алгоритми йўқ. Бирор қиймат асосида шифрлайди. Мисол учун 3 сони.

```
$val = "secret";
```

```
$hash = crypt($val, 3);
```

```
echo $hash;
```

Жавоб: 3\$EA184uj9yiQ

Константалар. Булар ўзгармаслардир, яъни дастурчи коднинг бошида бир ўзгармасни(константани) эълон қилади ва коднинг исталган жойида шу константани ўзгартирмаган ҳолда ишлатиш мумкин бўлади.

```
Define('pi', 3.14); //pi=3.14 дегани
```

```
Define ('con', 7); // con=7 дегани
```

Echo con; // натижа 7. Константани чиқаришда \$(доллар) белгисидан фойдаланилмайди

define, isset, empty, unset, gettype, settype, var_dump, intval, is_integer...

Константани эълон қилинганини текшириш.

```
If(defined('pi')) //агар pi константа мавжуд бўлса, “ok” деган ёзув чиқади  
echo “ok”;
```

isset() ва empty() функцияси хақида. Бу функциялар ўзгарувчи бор ёки йўқлигини текширадиган функция.

isset() – бу функция рост(true) бўлади, агар ўзгарувчи эълон қилинган бўлса ва ҳеч қандай қиймат бириктирилмаган бўлса ҳам.

```
If(isset($var)) //агар ўзгарувчи мавжуд бўлса, яъни isset() функцияси рост  
бўлса
```

```
Echo “бундай ўзгарувчи мавжуд”;
```

Empty() – бу функция рост(true) бўлади, агар ўзгарувчи қиймати нолга(0) тенг бўлса ёки бўш бўлса ёки ўзгарувчи эълон қилилмаган бўлса.

```
If(empty($var_1)) //агар ўзгарувчи мавжуд бўлмаса, яъни empty()  
функцияси рост бўлса
```

```
Echo “бундай ўзгарувчи мавжуд эмас”;
```

Эълон қилинган ўзгарувчиларни ўчириш функцияси – unset().

```
$a = “Hello”; // ўзгарувчи эълон қилиниб, қиймат берилмоқда
```

```
Echo $a; // ўзгарувчи экранга чиқарилмоқда
```

```
Unset($a); //ўзгарувчи ўчириб ташланмоқда
```

```
Echo $a; // хато чиқади, чунки бундай номли ўзгарувчи йўқ
```

Ўзгарувчини типи хақида маълумот олиш функцияси – gettype().

```
Gettype($a); //a ўзгарувчини типини кўрсатади, агар типи номаълум  
бўлса unknown type беради
```

Ўзгарувчи типини ўрнатиш функцияси – settype().

```
Settype($var, integer); //var ўзгарувчига integer типини ўрнатмоқда
```

Эълон қилинган ўзгарувчи типини ва қийматини чиқариш функцияси – `var_dump()`.

```
$a = array(1, array("a", "b")); //a ўзгарувчига массив бириктирилмоқда  
Var_dump($a); //массив элементлари ва типлари экранга чиқарилмоқда
```

Ўзгарувчиларни типини ўзгартириш функциялари:

`$b = intval(қиймат);` //қиймат `integer` типи ўзгартирилиб, `b` ўзгарувчига берилмоқда

`$b = doubleval(қиймат);` //қиймат `double` типи ўзгартирилиб, `b` ўзгарувчига берилмоқда

`$b = strval(қиймат);` //қиймат `string` типи ўзгартирилиб, `b` ўзгарувчига берилмоқда

`$b = (bool)(қиймат);` //қиймат `boolean` типи ўзгартирилиб, `b` ўзгарувчига берилмоқда

Ўзгарувчи типларини текшириш функциялари:

`If (is_integer($a))` //агар `a` ўзгарувчи `integer` типда бўлса, `if` оператори `рост(true)` қиймат қайтаради

`If (is_double($a))` //агар `a` ўзгарувчи `double` типда бўлса, `if` оператори `рост(true)` қиймат қайтаради

`If (is_string($a))` //агар `a` ўзгарувчи `string` типда бўлса, `if` оператори `рост(true)` қиймат қайтаради

`If (is_bool($a))` //агар `a` ўзгарувчи `boolean(true, false)` типда бўлса, `if` оператори `рост(true)` қиймат қайтаради

`If (is_array($a))` //агар `a` ўзгарувчи `array(массив)` типда бўлса, `if` оператори `рост(true)` қиймат қайтаради

`If (is_numeric($a))` //агар `a` ўзгарувчи сонли ёки матн типда бўлса, `if` оператори `рост(true)` қиймат қайтаради

MySQL хақида бошланғич тушунчалар

MySQL - бу энг машхур ва жуда кўп фойдаланиладиган маълумотлар базасини бошқариш тизими(МББТ) ҳисобланади. Бу тизим жуда катта маълумотлар билан ишлаш учун яратилмаган, аксинча бироз кичик ҳажмдаги базалар билан катта тезликда ишлаш учун яратилган. Унинг асосий ишлаш доираси, сайтлар ҳисобланади. Ҳозирги кунда жуда кўп сайт ва блокларнинг маълумотлари айнан шу МББТ сақланади.

Ҳўш, сайтларнинг нималари базада сақланиши мумкин? Дастлаб, маълумотлар сақлаш учун дастурчилар файллардан фойдаланишган, яъни файл очилиб керакли маълумотлар у ерга сақланиб, керакли пайтда чақириб ишлатилган. Кейинчалик файллардан воз кечилиб(ноқулайликлар юзага келган, яъни файлни очиш, ўқиш, ёпиш,.. кўп вақтни олиб қўйган, у ердан қидириш, хуллас жуда кўп), маълумотлар базасига ўтилган. Базада сайтдаги мақолалар, сайт фойдаланувчилари ҳақидаги маълумотлар, сайт контентлари, қолдирилган комментарийлар, савол-жавоблар, ҳисоблагич натижалари ва шунга ўхшаш жуда кўп маълумотлар сақланади. MySQL шундай маълумотларни ўзида сақлайди.

MySQL - жуда катта тезликда ишловчи ва қулай ҳисобланади. Бу тизимда ишлаш жуда содда ва уни ўрганиш қийинчилик туғдирмайди.

MySQL тизими tex компанияси томонидан, маълумотларни тез қайта ишлаш учун корхона миқёсида ишлатишга яратилган. Кейинчалик оммалашиб, сайтларнинг асосий базаси сифатида ёйилди.

Сўровлар SQL тили орқали амалга оширилади. Бу МББТ реляцион маълумотлар база ҳисобланади. Бу дегани база жадваллар, жадваллар эса устунлардан ташкил топгандир.

MySQL МББТи 2 хил турдаги лицензияга эга. Биринчиси текин, яъни MySQLни кўчириб олиш ва ишлатиш ҳеч қандай ҳаражат талаб қилмайди ва GPL(GNU Public Licenseб, GNU) лицензиясига асосланади. Иккинчи тури, GPL шартига кўра, агар сиз MySQL кодларини бирор дастурингизда ишлатсангиз, бу дастурингиз ҳам GPL(текин) бўлиши керак. Бу эса дастурчига тўғри келмайди. Шунинг учун, бу дастурингизни пуллик қилишингиз учун MySQL пуллик лицензиясини сотиб олишингиз керак.

MySQL логотипи делфин ҳисобланади. Бу делфинни исми "Sakila"дир. Бу логотипни OpenSource тузувчиларидан бири Ambrose Twebaze га тегишлидир.

MySQL жуда кўп операцион тизимлар билан ишлай олади. Буларни ёзадиган бўлсам: AIX, BSDi, FreeBSD, HP-UX, Linux, Mac OS X, NetBSD, OpenBSD, OS/2 Warp, SGI IRIX, Solaris, SunOS, UnixWare, Windows 95, Windows 98, Windows NT, Windows 2000, Windows XP, Windows Server 2000, Windows Vista, Windows 7,...

MySQL швед корхонаси MySQL AB га тегишли бўлган, кейинчалик SUN фирмаси MySQL ни ўзиники қилиб олган. Бир неча йил олдин эса, гигант корхоналардан бири Oracle, SUN фирмасини сотиб олди ва ҳозирда MySQL Oracle фирмаси маҳсулоти сифатида чиқиб келмоқда. Бу бир ҳисобда Microsoft SQL Server га катта рақобатдош эканлигини англатади.

MySQL бир неча серверларнинг бир қисми ҳисобланади. Мисол учун, WAMP, AppServ, LAMP, Denwer,... Клиентлар MySQL серверига маълум бир кутубхоналар орқали уланади. MySQL га қуйидаги дастурлаш тиллари уланиб ишлаши мумкин: Delphi, C, C++, Java, Perl, Php, Python, Ruby ва бошқалар.

MySQL бу - кроссплатформали дастур ҳисобланади, яъни бир хил типга эга бўлган(ишлаш технологияси бир хил), лекин ўрнатилувчи файллари бироз бошқачадир. Ҳозирда mysql Oracle фирмаси томонидан ишлаб чиқарилмоқда, олдин Sun фирмасига тегишли бўлган. Шунинг учун MySQL 4 версияси MySQL 5 версиясидан фарқ қилади. Ҳозирда(мақола ёзилишида) энг сўнги версияси 5.6.14 дир.

Келинг энда, версиясиялар нимани англатишини билиб оламиз. Ҳар бир дастур, маълум бир сонлар асосида версияларга ажратилади. Дастур исми ўзгармайди, фақат сонлар ўзгариб, дастурнинг янги ёки эскилигини ажратиб туради. Янги ёки эскилиги, дастурнинг даражасини белгилайди, яъни янги дастур эскисига қараганда янги қирралари мавжудлигини англатади. MySQL дастури ҳам ҳамма дастурлар каби ўз версиясига эга(5.6.14). Демак биринчи рақам асосий рақам дейилади. Бизнинг ҳолатда бу 5 рақами. Бу рақам камдан кам ўзгаради, фақатгина дастурнинг асоси ўзгарса ўзгаради. Кейинги рақам 6, бу рақам асосий рақамга ёрдамчи рақам ҳисобланади ва асосий рақамга қараганда тезроқ ўзгаради. Бунинг ўзгариши, дастурнинг ишлаш технологияси бироз ўзгариши натижасида содир бўлади. Кейинги рақам build дейилади. Бизнинг ҳолатда бу 14 рақам. Дастур ишлашида бирор нуқсон(bug) пайдо бўлса, дастурчилар дарров шу нуқсон(bug)ни йўқотишади ва рақамни кейингисига ўзгартириб қўйишади. Бундан кўриниб турибдики бу рақам тез ўзгаради. Бу ўзгартириш дастурчилар тилида Patch дейилади. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб фикр билдирсам, ҳар бир янги чиқган Patch, эски нуқсонларни бартараф этиб, янгисини пайдо қилади .

MySQL асосан 2 турга бўлинади. Биринчиси, пуллик версия бўлиб, MySQL Enterprise Server дейилади. Бу туридан фойдаланганда, ҳар йил маълум бир маблағ тўлаш талаб этилади.

Иккинчиси, MySQL Community Server деб номланиб, бепул ҳисобланади.

MySQL Enterprise Serverни MySQL Community Serverдан фарқи, Enterprise типи ўзида барча утилитларни қамраб олади ва чиқаётган барча

янги patch ва ўзгаришлар дастлаб шу типига чиқарилади ва анча вақтдан сўнг Community типига чиқади. Ундан ташқари Enterprise типига кластер технологияси ҳам мавжуд. Биз учун Community типи ҳам етарли ҳисобланади ва шу типини ўрганиб борамиз.

MySQL Community типининг ҳам 2 тури мавжуд бўлиб, бири Essentials(бошланғич) версияси, иккинчиси Installer дейилади. Essential турида фақат сервер мавжуд бўлиб, ҳеч қандай қўшимча компонентлар йўқ, Installerда эса бир неча қўшимча компонентлар мавжуд бўлиб, ҳажми ҳам каттароқ. Essential версияси zip архивда берилади, Installer эса msi файли кўринишида бўлади.

Ундан ташқари mysql ни кўчириб олишда, операцион тизимнинг қайси битлигини ҳам инобатга олиш лозим(операцион тизим битлари ҳақида). Сайтда ҳам, 64 ва 32 учун алоҳида mysql дастурини файллари таклиф қилинади.


MySQL ишлаши учун, ҳеч қандай Apache сервери, ҳеч қандай PHP керак эмас. Фақатгина базани ўзини ўрганмоқчи бўлсангиз, Apache PHP ларни ўрнатманг. Булар фақат тўлиқ сайт яратиш учун керак. Тўғри буларни ўрнатиш ҳам қийин эмас, лекин ортиқча нарсалар. Базани мукамал ўрганганингиздан сўнг қолган нарсаларни ўрнатиб, созловчи файллар орқали бир бирларини боғлаб оласиз.

Яъна бир нарса, кўпчилик сайтларда олдин Apache қўйинг, кейин mysql ва охирида PHP ни ўрнатиш деган мақолаларни учратиш мумкин. Умуман олганда кетма-кетликнинг умуман фарқи йўқ, биргаликда ишлашса ҳам, булар ҳаммаси алоҳида - алоҳида дастурлар.

Агар ҳали ҳам mysql нималигини англай олмаган бўлсангиз, охириги тушунтириш гапларини ёзаман, бу - маълумотлар базасини бошқариш тизими бўлиб, бу тизимга синоним тизим қилиб, Oracle, MS SQL SERVER ларни мисол қилиш мумкин.


§3. «Ўқувчи ота–она» ахборот тизими учун маълумотлар базасини ва иловаларини яратиш.

Веб серверларда ўрнатилган MySQL маълумотлар базалари билан ишлашни йенгиллаштирувчи phpMyAdmin программасидан фойдаланиб яратилаётган тизимимиз учун маълумотлар базасини ҳамда керакли жадвалларни яратайлик. Маълумотлар базасининг номини «dawletmuratov» деб оламиз. Биринчи мактабда синфлар рўйхатини сақловчи жадвални яратамиз:




Бунда «id» майдони синфнинг идентификация рақами бўлиб у бу майдон ичида такрорланмайди. «kl_basqish» - синфнинг босқичини кўрсатиб 1 дан 9 гача бутун сонларни олади, «kl_name» - майдони ўзида синфнинг номини сақлайди (кўпинча бир символдан туради), «oqiw_tili»- синфнинг ўқиш тилининг идентификация рақами олиниб у тизимнинг ишлаш тилларини кўрсатвчи жадвалдан моси қўйилади, «kl_data_nash»- синфнинг ўқиш башлаган йили киритилади, «kl_data_okon»- синфнинг мактабни тамомлаш йили кўрсатилади, «id_kl_bassh» - синф рахбарининг идентификация рақами кўрсатилади у мактаб ўқитувчилари жадвалсидан олинади.

Энди ўқитувчилар рўйхатини сақловчи жадвални тузамиз:




«id»- ўқитувчининг идентификация рақами , «surname»-ўқитувчининг фамилияси, «name»-ўқитувчининг исми, «lastname»-ўқитувчининг отасининг исми, «data_tab» - туғилган санаси, «jinisi»-жинси, «mutax_k»- мутахасислиги, «otm»-битирган ўқиш муассасаси, «data_okon» - битирган йили.

Ота-оналарнинг жадвалини тuzганда қуйидаги майдонларни киритиш керак бўлади:




Ўқувчилар ҳақидаги маълумотларни сақлаш учун «student» жадвалини майдонларини қуйидагиша оламиз:




Бу йерде «kl_id» майдонида ўқувчининг синфининг идентификация рақами кўрсатилади.

Ўқувчилар ва уларнинг ота оналарини боғлаш учун алоҳида жадвал яратамиз, сабаби бир оиланинг бир мактабда бир-неча боласи ўқиши мумкин, ёки турмушда ота-она ўрнини босивчи ғамخورчилар қарамоғида бўлиши ҳам мумкин В.Х.К.




Бу йерда «id_st» майдонида ўқувчининг рақами, «id_oo» майдонида ота-онанинг рақами кўрсатилиб, «kimi» майдонида ўқивчига кўрсатилган шахс ким эканлиги ёзилади. Агарда отаси бўлса ‘ota’ ёзуви, онаси бўлса ‘ona’, болага ёлғиз ўзи ғамхурлигида бўлса ‘ota-ona’ ёки ‘ona-ota’ в.х.к. ёзувлар кўйилади.


Энди мактабда ўтиладиган предметларнинг номларини алоҳида жадвалда берамиз. Фанлар синфларнинг ўқиш тилларида атамаси хар-хил бўлганлиги учун буни ҳам ҳисобга олиб кетишимиз керак.



«id» - Фаннинг идентификация рақами, «name»-фаннинг номи, «lang»-фан номининг ёзилган тили (масалан: rus, kar,uzb). Мактабда синфлар қорақалпоқ, узбек ва рус тилларида оқийдиган бўлса, шунга мос тизимимизда уч тилда ҳам ахборот бера олиши керак. Унда жадвалга масалан тарих фанини киритсак унда у фан жадвалга уч ёзиви бўлиб киритилади:




Бу юқоридаги жадвалларни фойдаланиб мактабда синфларга ўқитиладиган фанлар ва фан ўқитувчиларини бирлаштирадиган жадвалини яратишимиз керак. Бу йерда синфга айрим фанлардан иккига бўлиниб дарс ўтилишини ҳам ҳисобга олиб кетишимиз керак бўлади. Бунда бир синфга бир фандан икки ўқитувчи бекитилиши керак.



«id»-бирлашмасининг идентификация рақами, бундай рақамлаш дарс жадвалини яратишимиз учун керак бўлади , «id_klass» синфнинг рақами,


синфларнинг жадвалидан олинади, «id_pan»-фаннинг рақами, фанлар жадвалидан олинади, «id_uqit1»- биринчи ўқитувчининг идентификация рақами, «id_uqit2»-иккинчи ўқитувчининг идентификация рақами. Кўпинча «id_uqit2» майдони қиймати 0 га тенг бўлади, сабаби кўпгина фанлар гуруҳларга бўлиниб ўқитилмайди.

Тизим учун зарур бўлган дарс жадвалини яратсак унда у қуйидаги жадвалда сақланиши керак.




«id_klass»- майдонига синфнинг идентификация рақами кўрсатилади, «kun»-майдонига ҳапта куни киритилади, «s1», «s2», «s3», «s4», «s5», «s6» ва «s7» майдонлари шу кунда синфга тегишли фанлар ва ўқитувчилар бирлашмаси жадвалидан бирлашманинг рақамининг бири киритилади.

Тизимимизда фойдаланувчилар рухсат етилген тартибта бир-бири билан хабарлар алмашиш имконини яратишимизда шу хабарларни сақлаб ва тартибга солиб туриш учун қуйидаги жадвални оламиз.



«yunat_st» va «qabul_st» -мойдонларида хабар юборувчи ва олувчи қайси тоифага тегишли эканлиги кўрсатилади. ‘oo’-ота-она, ‘uqt’- ўқитувчи ёки синф раҳбари, ‘dir’ – мактаб дирекцияси. «yunat_id» ва «qabul_id»- мойдонларида хабар юборувчи ва олувчининг мос жадваллардаги идентификация рақами кўрсатилади. «matn»-хабарнинг матни ёзилади. «data_yunat»- хабарнинг жунатилиш санаси, «uqilganligi»- хабарнинг олувчи томонидан ўқилганлигини аниқлаш белгиси қўйилади. 0-бўлса ҳали ўқилмаган, 1-бўлса ўқилган.

Тизимга фойдаланувчилар киришда текширишдан ўтиши шарт. Унинг учун фойдаланувчи администратор ёки синф раҳбари томонидан берилган логин ва паролга эга булиши ва тизим ушбу логин ва парол буйича фойдаланувчининг статусини аниқлаб унга тегишли ахборотлар ва хизматларни тақдим этиши керак. Парол ва логинларни сақлашда куйидаги жадвални базага жойлаштирамиз:




Бунда «id_pol» фойдаланувчининг рақами статусига қараб мос жадвалдан олинади. «status»-фойдаланувчи статуси, «oo»-ота-она, «uqt»-ўқитувчи ёки синф раҳбари, «dir» – мактаб дирекцияси. «login»-логин, «parol»-парол, бу катакчага php даги мақсус кодировка қиладиган функциялар орқали ёзилгани хавсизликни оширади. «data_ok»-фойдаланувчининг тизимга охириги кирган санасини ёзишга қулланилади.

Тизимнинг дастур кодини ёзишда php тилидан, маълумотлар киритишда текширишлар ва қўлайликлар учун Java скриптлардан фойдаланамиз.

Тизимдаги ахборотларни тахдим этиш ва формаларни тўлдиришлар учун дастур кодларини модулларга ажратамиз. Мисоли экранда синфнинг руйхатини чиқаришга битта php файлга кодини жойлаштириб уни тизимнинг керакли жойларида чақириб ишлатамиз. Яна логин ва паролни текшириб тизимга рухсатни берувчи дастурни ҳам алоҳида ёзамиз в.х.к.

Ушбу модуллар учун ёзилган дастур кодлари БМИ нинг охирида алоҳида берилган.

Тизимнинг курунишлари куйидаги расмларда кўрсатилган.



«Ўқувчи ота-она» ахборот тизимининг кириш ойнаси. Ҳар-бир фойдаланувчи узининг махсус парол ва логини билан киради. Тизим ушбу парол ва логинга қараб узи фойдаланувчини аниқлайди. Фойдаланувчи тизимда аниқланган бўлса унда фойдаланувчининг статусига қараб куйидаги ойналардан бири чиқади.

Хулоса

Таълимда ахборот ҳам билим манбаи ҳам энг асосий воситаси бўлиб, уларни жорий эти шва фойдаланишда ахборот аҳамияти жуда юқоридир.

Мактаб муассасалари учун «Ўқувчи ота–она» ахборот тизимини яратишдан мақсад – таълимнинг сифатини ошириш бўлиб, бунда мактаб ўқитувчилари, синф раҳбарлари, ўқувчилар ва ота-она орасидаги буладиган жараёнларни автоматлаштириш, синф раҳбари ва ота-онанинг бирга ишлашини энгиллаштириш ишлари кузда тутилан.

Ушбу битирув малакавий ишида ўрта мактаб муассасалари учун «Ўқувчи ота–она» замонавий ахборот тизимини яратиш масалалари урганилиб куйидаги хулосалар олинди.

- ✓ Ўрта мактаб муассасаларидаги ўқиш ва тарбияга алоқадар ходимларнинг иш жараёнлари урганилди.
- ✓ Ахборот тизимида фойдаланувчилар ҳисобга олиниб унинг лойҳаси яратилди.
- ✓ Ахборот тизимини яратишда Веб дастурлашда қулай бўлган MySQL маълумотлар базаси ва PHP скриптили тили танланиб улар урганилиб чиқилди.
- ✓ Буларнинг асосида мактаб учун маълумотлар базаси яратилиб фойдаланувчилар учун қулай интерфейс ишшлаб чиқилди.

Яратилган ўрта мактаб муассасалари учун «Ўқувчи ота–она» замонавий ахборот тизими асосан ўрта мактабларга мулжалланган бўлиб, унга киритилган маълумотлар асосида, янги қушилган синфлар, ўқувчилар, ота-оналар ва ўқитувчиларни киритиб келаси ўқув йиллари учунда фойдаланишга булади. Бундан ташқари тизимни келажакда равожлантириб оралиқдан ўқитиш, мактаб электрон кутубхонаси, мактабнинг ҳисобатлари модулларини ишлаб чиқиш ишларини олиб бориш керак.

Тизимни яратишдаги дастур матни ва натижалар иловада келтирилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Davlat va xo‘jalik boshqaruvi, mahalliy davlat hokimiyatiorganlari faoliyatida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish va rivojlantirishning holatini o‘rganishni amalga oshirish tartibi to‘g‘risidaginizomni tasdiqlash haqida 23.04.2014 y. № 102
2. Е.С.Полат, М.Ю.Бухаркина. Современные педагогические и информационные технологии в системе образования. Москва Академия-2008
3. Леон Аткинсон. MySQL библиотека профессионала. Москва Вильямс-2002
4. Орлов А.А.
PHP. Полезные приёмы. Издательство: Горячая -Телеком, 2004
5. Sh.A. Nazirov, R.V. Qobulov.
MySQL va PHP (qo'llanma). Uzbekistan 2008)
6. Томсон Л., Веллинг Л. Разработка Web-приложений на PHP и MySQL. - К.: "ДиаСофт", 2001.
7. А.А. Ключарев, В.А.Матьяш, С.В.Шекин Структуры и алгоритмы обработки данных – С.Петербург - 2004.
8. Ю.В.Романец., П.А.Тимофеев., З.Ф.Шаньгин. Защита информации в компьютерных системах и сетях. Москва Радио и связь-2001
9. <http://www.my.gov.uz>
10. <http://www.php.ru/>
11. <http://www.intuit.ru/>
12. <http://www.mysql.ru>